

"Сарҳисоб" танловида иштирок этинг!



19:00 / 18.09.2021 2271

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси билан ҳамкорликда янгиланётган Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб этиш, тинчлик ва осойишталикни қадрлаш, динлараро бағрикенглик ва ҳамкорлик ғояларини оммалаштириш, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ёт ғоялардан ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида «Сарҳисоб» танловини ўтказди.

Танловнинг ҳудудий босқичида 2021 йилнинг 1 январидан 2021 йилнинг 1 ноябргача газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда кўрсатилган ва Интернет

тармоғида эълон қилинган материаллар 2021 йилнинг 10 ноябрига қадар қабул қилинади. Худудий босқич ғолиблари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Танловнинг худудий босқичи 20 ноябргача ўтказилиши кўзда тутилган.

Республика босқичи ғолиблари худудий босқичда ғолиб чиққан иштирокчилар орасидан ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов асосида сараланади. Танлов ғолиблари ОАВда эълон қилинади.

Танловнинг республика босқичида ғолиб деб топилганлар қуйидаги йўналишлар бўйича тақдирланади:

Бош мукофот: «Жаҳолатга қарши – маърифат» мавзусидаги энг яхши ижодий иш.

Ғолиб махсус диплом ва ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

энг яхши ижодий иш учун мукофот (**телевидение** – I, II, III ўринлар);

энг яхши ижодий иш учун мукофот (**радио** – I, II, III ўринлар);

энг яхши ижодий иш учун мукофот (**даврий матбуот** – I, II, III ўринлар);

энг яхши ижодий иш учун мукофот (**Интернет** – I, II, III ўринлар);

энг фаол тарғиботчи (I, II, III ўринлар);

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (3 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- ўз соҳасида олиб бораётган фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- паспорт нусхаси.

Танловда иштирок этувчиларнинг материаллари ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ҳудудий вакилликларига топширилади.

Мурожаат учун маълумотлар:

Андижон вилояти (74) 228-01-58

Бухоро вилояти (65) 224-40-51

Жиззах вилояти (72) 223-85-30

Навоий вилояти (36) 225-17-47

Наманган вилояти (69) 226-10-01

Самарқанд вилояти (66) 235-34-18

Сирдарё вилояти (67) 227-23-00

Сурхондарё вилояти (76) 225-52-00

Фарғона вилояти (73) 226-72-44

Хоразм вилояти (62) 228-44-38

Тошкент вилояти (95) 142-14-54

Тошкент шаҳри (71) 235-22-21

Қашқадарё вилояти (75) 225-56-32

Қорақалпоғистон Республикаси (61) 229-02-64

«Сарҳисоб» танловида иштирок этинг ва ғолиб бўлинг!